



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

6 (68) 2024

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛОТОВА
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ

Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV(Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ**

NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

6 (68)

2024

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:
ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Июнь

Received: 20.05.2024, Accepted: 02.06.2024, Published: 10.06.2024

УДК 616-006

**ОРОЛБҮЙИ ЭКОЛОГИК НОҚУЛАЙ ХУДУДДА ЯШОВЧИ АҲОЛИСИ ОРАСИДА
УЧРАЙДИГАН ЎПКА РАКЛАРИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ**

²Ортиқов А. <https://orcid.org/0009-0004-6712-2739>

¹Юлдашев Б.С. <https://orcid.org/0009-0006-6954-49-48>

¹Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шахри, Ал-Хоразмий кўчаси 28-йй Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

²“Маъмун университети” Ўзбекистон Хоразм вилояти, Хива, Бол-ховуз 2.
тел: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz/>

✓ Резюме

Мақолада оролбўйи экологик ноқулай худуди ҳисобланган Хоразм вилояти худудида ўпка раки билан касалланиб Республика онкология илмий-амалий маркази Хоразм филиалида 2019-2023 йилларда даволанишида бўлган беморларнинг касалланиши тарихлари, амбулаттор карталари ўрганилиб, ўпка ракида юзага келадиган патоморфологик ўзгаришилар, уларнинг гистологик шакллари макроскопик ва микроскопик жиҳатдан ўрганилиб, метастазланиши хусусиятлари, ўртача яшаши муддатлари таҳлили ўтказилди.

Калит сўзлар: ўпка раки, макроскопик, микроскопик ўзгаришилар, патоморфологик характеристика, метастазланиши, ўртача яшаши муддатлари.

**ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА РАКА ЛЕГКИХ У НАСЕЛЕНИЯ,
ПРОЖИВАЮЩЕГО В ЭКОЛОГИЧЕСКИ НЕБЛАГОПРИЯТНОЙ РАЙОНЕ**

²Ортиқов А. <https://orcid.org/0009-0004-6712-2739>

¹Юлдашев Б.С. <https://orcid.org/0009-0006-6954-49-48>

¹Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии Узбекистан, Хорезмская область, город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28 Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

²«Университет Маъмуна», Хорезмская область Узбекистана, г. Хива, Бол-ховуз 2.
телефон: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz/>

✓ Резюме

В статье приводятся данные больных проживающих в экологически неблагоприятных условиях Хорезмской области и находившихся на лечении в 2019-2023 годах в Хорезмском филиале Республиканского научно-практического центра онкологии. Было изучено история заболевания, амбулаторные карты и проведены макро и микроскопические исследования различных вариантов рака легких, проанализированы случаи метастазирования и средняя продолжительность жизни больных после болезни.

Ключевые слова: рак легких, макроскопические, микроскопические изменения, патоморфологические изменения, метастазирования, средняя продолжительность жизни.

**PATHOMORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF LUNG CANCER IN
POPULATIONS LIVING IN ECOLOGICALLY UNFAVORABLE AREA**

²Ortikov A. <https://orcid.org/0009-0004-6712-2739>

¹Yudashev B.S. <https://orcid.org/0009-0006-6954-49-48>

¹Urgench branch of the Tashkent Medical Academy Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city, Al-Khorezmi street No. 28 Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

²“Mamun University”, Khorezm region Uzbekistan, Khiva, Bol-Khuvuz 2.
phone: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz/>



✓ *Resume*

The article provides data from patients living in environmentally unfavorable conditions in the Khorezm region who were treated between 2019 and 2023 at the Khorezm branch of the Republican Scientific and Practical Oncology Center. The history of the disease and outpatient records were studied, and macro and microscopic studies of various types of lung cancer were carried out. Cases of metastasis and the average life expectancy of patients after the disease were analyzed.

Key words: lung cancer, macroscopic, microscopic changes, pathomorphological changes, metastasis, average life expectancy.

Долзарбилиги

Пка саратони бизнинг давримизнинг энг кенг тарқалган ва хавфли касалликларидан биридир. Унинг юқори ўлим даражаси ва у билан боғлиқ тиббий ва ижтимоий муаммолар касалликни турли жиҳатларини, шу жумладан морфологик хусусиятларини, айниқса минтақавий хусусиятлар контекстида ўрганиш муҳимлигини таъкидлайди.

Хозирги замон адабиётларида бу касалликнинг полииетиологик характерга эгалиги ва унинг географик омилларга, иқлим шароитларига, аҳолининг турмуш тарзига кўп жиҳатдан боғлик эканлигини тасдиқловчи маълумотлар мавжуд. (Whelan S.L. ва бошқалар, 1992; Nikitin Yu.P., Gerasimenco N. F., 1995; Nepomnyashchikh L.M. ва бошқалар, 2000; Juk A.G. ва бошқалар, 2005; Mitelman Yu.M., 2006; FongK. ва бошқалар, 1997).

Бу касалликнинг юзага келиши сабабларидан бири шубҳасиз чекиш бўладиган бўлса (Traxtenberg A.X., Chissov V.I., 2000), атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ҳам юқори аҳамиятга молиқдир. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак экологик нокулай оролбўйи ҳудуди Хоразм вилояти аҳолиси орасида ўпка саратонининг ривожланиш омиллари, маҳаллий урф-одатларга боялигини ўрганиш қизиқиш туғдиради, чунки оролбўйи ҳудудларидан кўтарилаётган туз бўронлари юқори ва пастки нафас йўллари шикастланишига ўз таъсирини ўтказиши эътиrozсиз фактлардан биридир.

Илмий ишнинг мақсади: Хоразм вилояти ҳудудида яшовчи ўпка раки билан касалланган беморлар орасида ўпка ракларининг патоморфологик характеристикасини, ўсманинг тўқимадаги локализациясини, гистологик шаклларини, метастазланиш ҳолатини, ўртача яшаш муддатларини ўрганиш.

Материал ва усуслар


Ўзбекистон республикаси онкология илмий -амалий маркази Хоразм филиалида 2019-2023 ийларда даволанишда бўлган ўпка раки диагнози билан даволангандан 103 нафар беморнинг касаллик тарихлари, амбулатор карталари ўрганилиб, патогистологик текширувлар ўtkazildi, ўртача яшаш ҳолатлари таҳлил қилинди.

Натижা ва таҳлиллар

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдиги ўсмаларнинг ўпка тўқимасидаги локализацияси 103 та ҳолатнинг 63 тасида 59,2 % ўнг ўпкада, 40 та ҳолатда 40,8% чап ўпкада жойлашган, энг кўп жойлашув ўнг ўпканинг ўрта бўлагига тўғри келиб 32 та ҳолатда қайд қилинди, бу барча ўсмаларнинг 31 % ни ташкил қиласди, иккала ўпканинг юқориги бўлакларida учраш 39 та ҳолатда 38 % (ўнг ўпка 28, чап ўпка 21 ҳолат), иккала ўпканинг пастки бўлакларida учраш 32 та ҳолат 31% да қайд қилинди. Ўнг ўпканинг ўрта бўлагида ўсмаларининг кўпроқ учраши унинг анатомик тузилиши билан боғлиқдир. Жадвал 1.

Ўпка ракларининг тўқимадаги локализацияси Жадвал 1.

	Ўнг ўпка	%	Чап ўпка	%
Юқори бўлак	18	17,5%	21	20,4%
Ўрта бўлак	32	31%		
Паст бўлак	13	12,7%	19	18,4%
Жами	63	61,2%	40	38,8%




Ўпка ракларининг патоморфологик текширувлар натижасида аниқланган гистологик шакллари ичидаги энг кўп учрагани adenocarcinoma бўлиб, 55 та ҳолатда кузатилди ва 53,4 % ни ташкил қилди улардан 38 таси каминвазив рак бўлиб (37%), 14 таси бронхоальвеоляр рак (13,6%), қолган 3 таси adenocarcinoma *in situ* (3%), ясси хужайрали рак 28 та ҳолатда кузатилиб 27 % ни ташкил қилди, майда хужайрали рак эса 20 та ҳолатда қайд қилинди ва 19,4 % ни ташкил, бундан кўриниб турибдики бошқа адабиётларда кўрсатилган ўпка ракининг асосий гистологик шакли 80% ҳолатларда ясси хужайрали ракдан ташкил топади деган маълумотлар бизнинг маълумотларимизга бироз зид. Жадвал 2.

Ўпка ракининг гистологик турлари Жадвал 2.

Гистологик турлар	Сони	Фоизи
1. Каминвазив Аденокарцинома	38	37%
2. бронхоальвеоляр	14	13,6%
3. adenocarcinoma <i>in situ</i>	3	3%
Ясси хужайрали рак	28	27%
Майда хужайрали рак	20	19,4%
Жами	103	100%

Ўпка ракининг бошқа аъзоларга метастазланиш ҳолатлари таҳлил қилинганда унинг бир қатор ички аъзоларга метастазланиб, уларда ўсма ўчоқларининг юзага келишига сабаб бўлгани ва бунинг натижасидаги аъзолар функционал етишмовчилиги бутун организм фаолиятига таъсир қилиши ва полиорган етишмовчиликка сабаб бўла олгани аниқланди. Аъзоларга берилган метастазлар орасида энг олдинги ўринда лимфа тугунлари жойлашиб улардаги метастазлар 18 та ҳолатда кузатилиб 17,5% ни ташкил қилган, бу лимфа тугунлар асосан бифуркацион, паратрахеал, бронхопульмонал, кўлтиқ ости, юқори кўкс оралиғи, қорин бўшлиғи лимфа тугунлариги эканлиги аниқланди. Кўрсатилган лимфа тугунларининг шикастланиши шундоғам иммун тизим паст бўлган беморларда иккиласмачи иммундефицит ҳолатининг кучайишига олиб келиши кузатилади.




Метастазланишнинг кейинги ўринларида бош мия тўқимаси ва турли хил суяклар жойлашган бўлиб 13 тадан ҳолатни ташкил қилиб мос равишда 12,6% да кузатилган. Бу метастазлар мия тўқимасида деструктив ўзгаришлар ва улар билан боғлиқ тарздаги турли функционал бузилишларга олиб келган бўлса, суяклардаги метастазлар уларда кўплаб патологик синишлар ва остеопороз ҳолатларининг юзага келишига сабаб бўлган. Жигарга ва умуртқа погонасига берилган метастазлар 11 тадан ҳолатда кузатилиб ҳар қайсиси 10,7% ни ташкил қилган. Жигардаги метастазлар жигар тўқимаси дистрофик жараёнлари, веноз тўлақонлик билан боғлиқ асоратларни шакллантириб функционал етишмовчиликка (буни АЛТ, АСТ миқдорининг ортишида ҳам кузатиш мумкин) сабаб бўлган бўлса, умуртқа погонасидаги метастазлар ўз навбатида дегенератив ўзгаришларга сабаб бўлиб турли хилдаги параплекия, парезларнинг шаклланишига олиб келган ва бу табиий ҳолда жараённинг янада оғирлашиб, беморларнинг ҳаёт тарзи сифатига таъсир кўрсатган.

Кейинги ўринларда париетал ва висцерал плевралар жойлашиб 8 та ҳолат 7,8% ни ташкил килган, париетал плевра метастазлари контакт йўл билан қовурғаларга метастазланиш имкониятини ҳам кучайтириб, уларнинг деструкциясига сабаб бўлиши мумкин. Қовурғалардаги метастазлар 2 та ҳолатда қайд қилиниб 2 % ни ташкил қилади.

Шунингдек метастазлар орқа мия тўқимасида ҳам 1 та ҳолатда қайд қилинди (1%), бу метастазлар жойлашган қисмдан пастки қисмларда дисрегенератив ўзгаришлар юзага келишига сабаб бўлган. Жадвал 3.

Метастазланиш ҳолатлари Жадвал 3.


Метастазлар пайдо бўлган ички аъзолар	Сони	Фоизи
Турли регионар л.т	18	21,2%
Бош мия тўқимаси	13	15,3%
Турли суяклар	13	15,3%
Жигар	11	12,9%
Умуртқа погонаси	11	12,9%
Париетал, висцерал плевра	16	18,8%
Қовурғалар	2	2,4%
Орқа мия тўқимаси	1	1,2%
Жами	85	100%



Үпка раки билан оғриган беморларнинг касаллик биринчи марта аникланганидан кейин вафот килгунларига қадар яшаган даврлари таҳлил қилинганида тадқиқтота жалб қилинган 103 нафар бемордан 77 нафари вафот қилған, яъни 75 фоизи, бу кўрсаткич ўпка ракининг накадар тез кечиши, метастазлар бериши, яшаш муддатларининг камайишига олиб келишининг яққол намоён бўлишидир. Беморлар қанчалик кеч мурожаат қилған бўлсалар, касалликнинг аникланиши шунчалик кеч даврларга (3-4 давр) тўғри келган ва беморларнинг ўртача умр кўриши шунчали қисқа бўлган. Касаллик биринчи марта аниклангандан кейин 5 йилгacha бўлган муддатгача биронта бемор яшамаган. 4 йилгacha 2 нафар - 2,7%, 3,5 йилгacha 2 нафар - 2,7%, 3 йилгacha 4 нафар - 5,4%, 2 йилгacha 10 нафар - 13,5%, 1,5 йилгacha - 25 нафар - 32,4%, 1 йилгacha 19 нафар - 24,3%, 6 ойгacha - 15 нафар - 19 % беморлар умр кўришган, 6 ой ва 1 йил ичида вафот қилған беморлар касалликнинг охирги даврларида даволаниш учун мурожаат қилған беморлардир. Жадвал 4.

Ўртача яшаш муддатлари Жадвал 4.

Яшаш муддатлари	Нафар	Фоизи
6 ойгacha	15	19%
1-йилгacha	19	24,3%
1,5-йилгacha	25	32,4%
2-йилгacha	10	13,5%
3-йилгacha	4	5,4%
3,5-йилгacha	2	2,7%
4 -йилгacha	2	2,7%
5-йилгacha	0	0
Жами	77	100%



Хулоса

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки ўпка ракларининг локализацияланиши кўпинча ўнг ўпкада кузатилади ва кўпроқ ўрта бўлак жараёнга тортилади, касалликнинг гистологик шаклларидан аденокарцинома кўп ривожланади, касаллик ўз вақтида аниқланмаса киска муддатлар ичидаги метастазлар юзага келиши ва улар билан боғлиқ асоратларнинг ривожланаб беморларнинг ҳаёт тарзининг оғирлашишига олиб келиши, bemorlarning даволаниш жараёни чўзилиши, яшаш муддатларининг қисқариши, ўлим ҳолатларининг тезлашиши кузатилади.

Бу ҳолатларнинг олдини олиш учун худудларда мойиллик гурухидаги bemorlarни (чекувчилар, сурункали ўпка касалликлари бор bemorlar, сурункали бронхит ва x.k) диспансер хисобга олиб, доимий тарзда кўриклар ўтказиб онкологик эҳтиёткорликни кучайтириш талаб қилинади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Непомнящих Л.М., Левицкий В.А., Непомнящих Г.И. и др. Патоморфологический и эндоскопический анализ крупных бронхов при раке легкого // Бюл. экспер. биол. 2000;129(3):347-354.
2. Трахтенберг А.Х., Чиссов В.И. Клиническая онкопульмонология. / М., 2000;600.
3. Fong K., Biesterveld E., Virmani A. et al. FHIT and FRA3B 3p 14.2 allelic loss are common in lung cancer and preneoplastic bronchial lesions and are associated with cancer-related FHIT cDNA splicing aberrations // Cancer. Res. 1997;57:2256-2267.
4. Ортиков А., Юлдашев Б.С. Частота рака легких в Хорезмской области в зависимости от пола и возраста // Новый день в медицине 2024;4(66):662-665
<https://newdayworldmedicine.com/ru/article/4063>

Қабул қилинган сана 20.05.2024